

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 91:33:33М(575.16)

ГАЙБУЛЛАЕВА ГУЛБАҲОР ФАРХОДОВНА

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ
МИНТАҚАЛАР ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЪСИРИ**

(Бухоро вилояти ҳокимияти маълумотлари асосида)

5A230102 - Иқтисодиёт (реал сектор)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. И.Хотамов

Тошкент – 2018

Тадқиқотнинг асосий масалалари бўлиб ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг илмий-назарий асослари ва ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришдаги аҳамиятини ўрганиш; “Бухоро вилояти ташқи иқтисодий фаолияти ҳамда ишлаб чиқариш соҳасини диверсификациялаш ҳолати”ни таҳлил қилиш; “Бухоро вилояти ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришнинг такомиллаштириш йўллари аниқлаш ҳисобланади. Тадқиқотлар жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши ишлаб чиқаришни диверсификациялаш асосида минтақанинг ташқи иқтисодий фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий-иқтисодий механизмни такомиллаштирилишига кўмаклашади.

The main problems of the dissertation research are studying the scientific and theoretical bases of diversification of production and the importance of development of foreign economic activity; Analysis of "The State of Foreign Economic Activity and the Diversification of the Sector of Bukhara Region"; "Determining ways to improve the foreign economic activity of Bukhara region. Practical application of scientific proposals and practical recommendations developed during the research will facilitate the improvement of organizational and economic mechanisms for the further development of foreign economic activity of the region on the basis of diversification of production.

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида

дастлабки ҳимоядан ўтган. _____ сонли баённома
“ 16 ” _____ 2018 й.

Илмий раҳбар: Хотамов И.С.

ИМЗО

сана

Магистр: Гайбуллаева Г.

ИМЗО

сана

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси

муdiri, доц. И.Хотамов _____

“ 15 ” май 2018 йил

Ҳимоя 2018 йил “ 18 ” _____ соат _____ да

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади

М У Н Д А Р И Ж А

	КИРИШ.....	4
I. БОБ.	Ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг илмий-назарий асослари ва ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришдаги аҳамияти.....	12
1.1.	Ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг мазмуни, моҳияти ва унинг иқтисодиётни ривожланишдаги тутган ўрни.....	12
1.2.	Иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқаришни диверсификациялашни амалга ошириш усуллари, механизми, мақсади ва вазифалари.....	18
1.3.	Ташқи иқтисодий фаолият ва унинг амалга оширилиш йўллари.....	24
	Биринчи боб бўйича хулоса.....	34
II. БОБ.	Бухоро вилояти ташқи иқтисодий фаолияти ҳамда ишлаб чиқариш соҳасини диверсификациялаш ҳолати таҳлили (Бухоро вилоят ҳокимияти маълумотлари асосида).....	36
2.1.	Бухоро вилоятининг ижтимоий – иқтисодий ривожининг макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.....	36
2.2.	Иқтисодиётда ислохотлар олиб бориш даврида ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш динамикаси таҳлили.....	50
2.3.	Вилоятда ишлаб чиқариш соҳасини диверсификациялаш ҳолати таҳлили.....	56
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....	62
III. БОБ.	Бухоро вилояти ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришнинг тақомиллаштириш йўллари.....	64
3.1.	Ишлаб чиқаришда диверсификациялаш жараёнини жадаллаштириш учун яратилган имкониятлар.....	64
3.2.	Вилоят ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтиришда ипак саноатини ривожлантириш йўллари.....	71
3.3.	Вилоят ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари.....	76
	Учинчи боб бўйича хулоса.....	80
	ХУЛОСА.....	82
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	84

КИРИШ

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Иқтисодиёт таркибида саноатнинг ривожланиши динамикасидаги муҳим ўзгариш сифатида корхоналар ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгиланиш асосида саноатда чуқур таркибий ўзгаришлар ва диверсификациянинг амалга оширилгани ҳисобланади.

Саноат сиёсатидаги асосий устуворлик институционал ислохотларнинг сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, саноат ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, иқтисодиётининг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ўрта ва узок муддатда саноатни ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

Давлат раҳбари томонидан Ҳаракатлар стратегиясида¹ юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш зарурати алоҳида таъкидланди.

Миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш масаласи ҳал этиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги 4400 дан ортиқ корхоналарнинг рентабеллик даражасини ошириш ва молиявий соғломлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш асосида ишчилар сонини кўпайтиришга эришиш режалаштирилган. Бу тадбирлар натижасида корхоналарнинг рентабеллик даражаси ошади, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш ва ишчилар сонини кўпайтиришга олиб келади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 8 феврал 2017 йил.